## МАМЛАКАТ бўйлаб

### Бевосита мулоқот

■ Республика Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Олтиариқ туман ҳокимлиги ва туман Давлат солиқ инспекцияси ходимлари ҳамкорликда хўжалик юритувчи субъектлар иштирокида семинар йиғилишлари, давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Ушбу тадбирларда тадбиркорларга қарор моҳияти ва уни амалда бажариш шартлари бўйича тушунтириш ишлари олиб бориляпти. Туманда тузилган махсус гуруҳ тадбиркорларнинг мазкур қарор юзасидан саволларга жавоб берилмоқда.

Ҳозирги кунга қадар қарор моҳиятидан келиб чиқиб, туманда 30 дан ортиқ хўжалик юритувчи субъектлар ўз аризаларига мувофиқ тугатилиб, давлат реестридан чиқарилди. Айни кунларда яна 15 та хўжалик юритувчи субъектларда тугатиш ишлари олиб борилмоқда.

**Т. ОРЗИМАТОВ,**
**Олтиариқ туман Давлат Солиқ инспекцияси бўлим бошлиғи.**

### Фермерлар учун ўқув маркази

**Зангиота тумани ҳокимлиги Бўзсув қишлоғидаги эскириб қолган Маданият уйини мукаммал таъмирлаб, фермерлар учун ўқув марказига айлантиришга аҳд қилди.**

■ Марказ "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими муассислигида фаолият юритади.

Фермерлар бу ерда боғдорчилик, сабзавотчилик ва чорвачилик соҳаларидаги билим-тажрибаларини янада оширадилар. Шунингдек, компьютер хизматидан фойдаланган ҳолда юртимизда ва дунёда рўй бераётган янгиликлардан мунтазам хабардор бўлиб борадилар.

**А. ҲАЙДАРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

### Оромгоҳда экофестиваль

***Самарқанд туманидаги «Алпомиш» болалар соғломлаштириш оромгоҳида экофестиваль бўлиб ўтди.***

■ Халқаро «Экосан» ташкилоти, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу фестиваль «Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» шиори остида ўтди. Унда Қашқадарё, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятидан келиб, оромгоҳда ҳордиқ чиқараётган кам таъминланган оилаларнинг 300 нафардан ортиқ фарзандлари иштирок этди.

Фестиваль дастуридан ўрин олган турли кўрик-танлов ғолибларига ва фаолларига ҳомийлар томонидан эсдалик совғалари ҳамда фахрий ёрлиқлар топширилди.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Сув билан таъминланди

***Қумқўрғон туманида аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш даражаси бундан 15-16 йил аввал 35 фоиздан ошмасди. Манзара бугун бўлакча. Кўрсаткич 80 фоизга етказилди.***

■ Туманнинг «Ўзбекистон», «Боботоғ», «Оқжар» каби дашт ҳудудларидаги хонадонларга ҳам сув қувурлари тортилди.

Туманда 30 мингтага яқин хонадон қарийб 2,5 минг квадрат километрлик ҳудудда 200 та қишлоқ бўлиб яшайди. Шу қишлоқларнинг ҳаммасига қувурлар орқали тоза сув аҳолига етиб бормоқда.

**О. УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Бепул йўлланма берилди

■ Хоразм вилояти касаба уюшмалари бирлашмаси томонидан «Ижтимоий ҳимоя йили» муносабати билан 131 нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, яккаёлғиз кексалар, ногиронларга даволанишлари ва соғлиқларини тиклашлари учун бепул йўлланмалар берилди.

Энди улар Хонқа туманидаги сиҳатгоҳда дам оладилар.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Олмалиқнинг пўлат излари

**Мамлакатимиз темир йўл тармоғида истиқлол йиллари катта ютуқларга эришилди, янги-янги темир йўллар қурилди, поездларнинг ҳаракатини яхшилаш, йўловчиларга намунали хизмат кўрсатиш учун бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.**

■ "Олмалиқ ТМК" ОАЖ таркибида ҳам темир йўл хизматининг аҳамияти катта. Негаки, жамият қошидаги Саноат темир йўл транспорти тўртта йирик цех ва бешта хизматни ўз таркибига олган. Улар ўтган олти ой ичида 328 млн. тонналик юкни ташиб, завод фаолиятида узлуксизликни таъминлаб, зиммаларидаги вазифани ортиғи билан уддалашди.

— Йил бошидан буён шу кунгача 813 минг тоннадан ошиқ руда, 831 минг тонна шлакни фабрикага элтиб бердик, — дейди 2-темир йўл цехи бошлиғи Р. Ибраева. — Қолаверса, тайёр маҳсулот ва хом ашёни ташишда тўрт юз нафар темирйўлчиларимиз ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

**Қ. ХИДИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# АКЦИЯДОРЛАР МАНФААТИ ҲИМОЯДА

***Ҳар қандай мамлакат ўзининг иқтисодий соҳадаги куч-қудрати ва имкониятларини яхшилаш учун муайян тажрибаларга суянади, мавжуд шароитларни эътиборга олиб, ҳуқуқий асосларни янада мустаҳкамлашга интилади. Бундан кўзланган мақсад эса ягона — халқнинг турмуш даражасини ошириш, фаровонлигини таъминлаш ва келажакка пухта замин яратишдан иборат. Шу маънода, сўнгги йилларда мамлакатимиз парламенти томонидан ҳаётга татбиқ этилаётган ҳар бир ҳужжатнинг аҳамияти ҳамда ўрни ниҳоятда катталигини таъкидлаш жоиз.***

***Яқинда Олий Мажлис Сенатининг ўнинчи ялпи мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий соҳадаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни маъқулланганидан яхши хабардорсиз. Мазкур Қонун Президентимиз томонидан имзоланиб, матбуотда расмий эълон қилинди. Мухбиримизнинг Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси Бахтиёр ИМИНОВ билан қилган суҳбати айнан шу ҳужжатнинг аҳамияти ва мазмун-моҳияти хусусида бўлди.***

— Мазкур Қонун жорий йилнинг 27 февралида қуйи палата томонидан қабул қилиниб, 5 мартда кўриб чиқиш учун Олий Мажлис Сенатига тақдим этилганди, — дея сўз бошлади Бахтиёр Мирзажонович. — Савол туғилади: хўш, ушбу ҳужжатни ишлаб чиқишнинг сабаблари ва омиллари нималардан иборат? Таҳлилларга назар ташлайдиган бўлсак, бугунги кунда фонд бозори ҳамда қимматли қоғозлар бозоридаги ишларнинг аҳволи уни яхшилашни тақозо этмоқда. Шу боис қимматли қоғозлар бозорининг очиқ-ошкоралиги ва барқарор фаолият юритишини таъминлаш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан инвестициялар жалб этилишини кучайтириш, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш, акциядорларнинг ҳуқуқлари ҳимоя этилишини яхшилаш учун шароитлар яратиб бериш мақсадида ушбу Қонун ишлаб чиқилди.

Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг 2006 йил 27 сентябрдаги "Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 475-сонли Қарорида корпоратив облигациялар чиқариш фақат очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари томонидан ушбу Қарорда кўрсатилган талабларга мувофиқ амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Унда акциядорлик жамиятининг келгуси йил учун бизнес-режаси ўтган молия йилининг 1 декабридан кечиктирмай кузатув кенгаши мажлисида маъқулланиши лозимлиги, акциядорлик жамиятларининг кузатув кенгашлари қонунда белгиланган корпоратив бошқарув нормаларига риоя этиш бўйича акциядорларнинг умумий йиғилишларида ҳар йили ҳисобот беришлари ҳам назарда тутилган. Шунингдек, 2007 йилнинг 1 январидан эътиборан активларининг баланс қиймати 1 миллиард сўмдан ортиқ корхоналарда кузатув кенгашлари томонидан тайинланадиган ва уларга ҳисобдор ички аудит хизматлари ташкил этилиши, устав капиталида давлат акциялари (улушлари) пакети 50 фоиздан ортиқ корхоналарда эса ташқи аудитни ўтказиш учун аудитор ташкилотини танлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича танлов асосида амалга оширилиши кўрсатилган.

**Қонун кучга кирди**

Мазкур Қарордан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган "Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий соҳадаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан "Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида", "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида", "Хўжалик ширкатлари тўғрисида" ва "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг муайян моддаларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига депозитарий хизматлари ва қимматли қоғозлар савдосини ташкил қилиш хизматларини қўшилган қиймат солиғидан озод қилиш, ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасини устав фондини (капиталини) кўпайтиришга йўналтиришда қўшимча акцияларнинг қиймати ёки акцияларнинг номинал қийматини кўпайтириш тарзида олинган даромадлар юридик шахслар томонидан олинган бўлса, уларни юридик шахслар даромадлари (фойдаси) солиғи солинадиган объектлар сирасидан чиқариш, жисмоний шахслар томонидан олинган бўлса, уларни жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадига киритмасликни назарда тутувчи ўзгартиш ўз ифодасини топди.

Бундан ташқари, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 74-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилдики, шу асосда энди акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ишларини тартибга солувчи мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 134-моддаси ўртасидаги номувофиқлик бартараф этилди. Жисмоний шахсга бериладиган ишончнома, аниқроғи, овоз беришга доир ишончнома нотариал шаклда расмийлаштирилган бўлиши, овоз беришга доир юридик шахс номидан бериладиган ишончнома эса қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилиши белгилаб қўйилди.

**— Ҳужжат мазмунидан кўриниб турибдики, демак, мазкур Қонун ҳам мамлакатимизда мулкдорлар синфини шакллантиришни янада рағбатлантиришни назарда тутади.**

— Албатта. Асосий мақсад ҳам шунга қаратилган. Кучга кирган Қонун мулкдорлар табақасини шакллантиришни янада рағбатлантириш, ҳисобот ва молиявий назоратни тўғри ташкил этиш, акциядорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни мустаҳкамлаш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Энди олдимизда яна бир муҳим вазифа турибди. Бу ҳаётга татбиқ этилаётган ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга янада кенгроқ тушунтириб беришдан иборатдир. Шунингдек, ушбу Қонун ижросини назорат қилиш ва тегишли тадбирларни ўтказиш ҳам зиммамиздаги асосий вазифалардандир.

**— Бахтиёр Мирзажонович, ҳадемай мустақиллигимизнинг 16 йиллигини байрам сифатида кенг нишонлаймиз. Бугун юртимизнинг қай бир гўшасида бўлмайлик, мазкур тантанани юқори савияда ўтказиш учун пухта тайёргарлик кўрилаётганига гувоҳ бўламиз. Суҳбатимиз айнан энг улуғ, энг азиз байрамимиз яқинлашиб келаётган кунларда бўлаётгани учун Сизнинг ҳам дил сўзларингизни эшитишни истардик.**

— Дарҳақиқат, истиқлол ҳақида сўз кетганда, энг аввало, юртимизда ҳукм сураётган тинч ва осуда ҳаёт кўз олдимизда гавдаланади. Зеро, шундай улуғ неъмат ато этилган юртдагина буюк ўзгаришлар, улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилади.

Таъкидлаш жоизки, ўтган 16 йил ичида Юртбошимиз раҳбарликларида ҳар бир вилоят, шаҳар ва туманларда, олис қишлоқларда оламшумул ишлар бажарилди. Иқтисодиётимиз ривожланди, мулкдорларимиз сафи кенгайди, мамлакатимиз халқаро майдонда ўз обрў-эътиборига эга бўлди. Буларнинг барчаси айнан мустақиллик шарофатидир.

Доимо эътиборимни тортадиган бир жиҳат хусусида тўхталсам. Президентимиз ҳар гал жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида қайси бир вилоятга ташриф буюрмасин, албатта, оддий кишилар билан дилдан суҳбат қуришга вақт топади. Улардан ҳол-аҳвол сўраш баробарида одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашини, фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш сиёсатимизнинг асосини ташкил этишини таъкидлайди ва келгусидаги режаларда ҳам бош мақсад шу бўлиб қолишини билдиради. Бугун ана шу саъй-ҳаракат ва эътибор самарасини мамлакатимизнинг исталган ҳудудида кўриш мумкин.

Айни кунларда Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори асосида қизғин ишлар амалга оширилмоқда. Жойларда янгидан-янги иншоотлар барпо этилмоқда, кўчаю хиёбонлар ободонлаштирилмоқда. Шундай шукуҳли кунларда одамларимиз юзидаги кўтаринки кайфиятни кўрганда киши қалби ҳаяжонга тўлади. Яратган бизга шундай бахт ва саодат ато этгани учун шукр қиламиз. Истиқлол барчамизга муборак бўлсин!

**— Самимий суҳбатингиз учун раҳмат.**

**Шавкат ОРТИҚОВ суҳбатлашди.**



## Ўз касбининг устаси

Наманган туманидаги тадбиркор Адҳамжон Юсуповни юртдошлари шундай алқашади. Сабаби унинг ишбилармонлиги ортидан нафақат ўзининг, балки шу атрофдаги аҳолининг турмуши кундан-кунга фаровонлашиб бораётир. Буни "Гўзал" мажмуасида тўю маракаларнинг кети узилмаётганидан ҳам билса бўлади. Мазкур мажмуага Адҳамжон Юсупов раҳбарлик қилади.

— Мажмуани ўзимизнинг "Назокат" қурилиш бўлими қурувчилари бунёд қилишган, – дейди тадбиркор. — Дастурхонимизга тортиладиган ноз-неъматлар — сут, қатиқ, гўшт маҳсулотлари дейсизми, мева-чева ёки ширмой нонми, буларнинг бари ўзимизда тайёрланади. Маҳсулотларни сотиб олмаганимиз учун таомларимизнинг баҳоси арзон. Бундан, айниқса, аҳоли мамнун.

Тадбиркорнинг "Шербулоқ" фермер хўжалиги чорвачиликка ихтисослашган бўлиб, бу ерда 110 бошдан ортиқ чорва боқиляпти. Шунинг 60 боши соғин сигир.

Адҳамжон Юсупов айни кунларда яна бир хайрли ишни туғаллаш арафасида. Яъни Чорсу даҳасида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуасини бунёд этиш ишлари охирига етказилмоқда.



**СУРАТЛАРДА:** қурилиш майдонидан лавҳалар.

**Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар.**

# СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ФРАКЦИЯЛАРИНИНГ ПАРЛАМЕНТДАГИ МАВҚЕИ ОШМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаларида қайд этганларидек, "...партиялар ўзининг ижтимоий-сиёсий фаолиятини аҳоли орасида қанча жонлантириб, кенгайтириб борса, халқимиз ва сайловчиларимизнинг сиёсий онги ва фаоллиги шунча юксалиб, уларнинг ислоҳот ва ўзгаришларга ўтказадиган таъсири тобора ортиб бораверади".

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда сиёсий партияларнинг кенг кўламда ижтимоий-сиёсий фаолият юритишини таъминлайдиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Хусусан, «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа бир қанча қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Шу билан бирга, Олий Мажлисга, маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига сайловлар тўғрисидаги қонунларга мувофиқ жойларда кўппартиявийлик ва сайловчиларнинг хоҳиш-иродасини ҳурмат қилиш тамойилларига асосланган, замонавий талаб ва андозаларга жавоб берадиган сайлов тизими яратилди. Натижада сўнгги йилларда парламентнинг, шунингдек сиёсий партияларнинг демократик ўзгаришларни амалга оширишдаги роли ва таъсири анча ортгани сезилмоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар фракцияларининг фаолияти тобора жонланмоқда, фракциялараро конструктив рақобат кучаймоқда ва бу ҳолат сиёсий партиялар нуфузининг ҳамда қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг сифати ошишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Айни пайтда, таъкидлаш жоизки, ислоҳотлар қайси соҳани қамраб олганидан қатъий назар, ўз моҳиятига кўра узвий ва тўхтовсиз жараёндир. Шу маънода, мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси асосида "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонуннинг қабул қилинганлиги сиёсий партияларнинг парламент фаолияти ва ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги ролини оширишга қаратилган изчил ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Ушбу Конституциявий қонун жамиятимиз ҳаётида ижтимоий ва сиёсий фаолликни янада ошириш; ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни ҳамда сиёсий, иқтисодий ва гуманитар қурилишнинг мақсадли вазифаларини бажаришда, ижро этувчи ҳокимият томонидан ички ва ташқи сиёсатни амалга оширишда сиёсий партияларнинг ташаббускорлиги, роли, таъсири ҳамда масъулиятини кучайтириш; ҳокимиятнинг вакиллик ва ижро этувчи органларини шакллантиришда сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг фаол иштироки учун зарур шароитларни таъминлаш; ҳукумат тузилмаларининг, марказдаги ва жойлардаги давлат ҳокимият органларининг мамлакат парламентида ўз вакилларига эга бўлган сиёсий партиялар, маҳаллий вакиллик органларидаги партия гуруҳлари олдида ҳисоб беришини белгилаб берадиган ва таъминлайдиган самарали ҳуқуқий механизмларни яратишга йўналтирилган.

Мазкур Конституциявий қонуннинг 3-моддасида сиёсий партиянинг Қонунчилик палатасида тузилган фракцияси ўз вакили Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари лавозимларидан бирини эгаллашида кафолатли ҳуқуққа эга эканлиги белгиланган. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг куни-кеча бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси ташаббуси билан сиёсий партиялар фракцияларининг раҳбарлари орасидан Қонунчилик палатасининг Спикер ўринбосарлари сайланди. Бунда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси ўз ташаббусини "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун қоидаларини босқичма-босқич, тизимли ва изчиллик билан амалга ошириш зарурати билан асослади. Шу билан бирга, Спикер ўринбосарларининг сайланиши ушбу Конституциявий қонуннинг сиёсий партиялар фракциялари фаолиятини ташкил этиш, жумладан, ижроия ҳокимияти органларини шакллантириш жараёнида уларнинг иштироки, қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш ва қабул қилиш механизми ҳамда тартибини ривожлантириш билан боғлиқ асосий қоидаларини ҳозирдан бошлаб тизимли тарзда амалга оширишга тайёрланиш имконини беради.

Таъкидлаш жоизки, қайд этилган Конституциявий қонун эълон қилингунига қадар Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосарлари Қонунчилик палатаси қўмиталари таркибига сайланиши, фракциялар ва депутатлар гуруҳи таркибига кириши мумкин эмас эди. Фақат икки нафар — ЎзЛиДеП ва ЎзХДПдан бир нафардан депутат яқин вақтгача Спикер ўринбосарлари этиб сайланган эди, холос. Эндиликда эса аввалги амалиётдан фарқли ўлароқ, ҳар бир сиёсий партия фракциялари раҳбарлари Спикер ўринбосарлари этиб сайланди ҳамда улар ташкил этилган қўмиталар аъзоси бўлиши ҳамда уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиши мумкин.

Спикер ўринбосарлари этиб сиёсий партиялар фракциялари раҳбарларининг сайланганлиги нафақат уларнинг ваколатлари ва имкониятларини кенгайтириш, балки Қонунчилик палатасида қарорлар қабул қилиш жараёнини сезиларли равишда демократлаштириш имкониятини ҳам яратади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ушбу тартибнинг амалда жорий этилганлиги сиёсий партияларнинг фаоллашувига, уларнинг парламент қуйи палатаси фаолиятининг мазмуни ҳамда йўналишини белгилаб берадиган асосий куч сифатида шаклланишига янги туртки бўлади, партиялар фракцияларининг Қонунчилик палатасидаги фаолиятида рақобатни кучайтириш, электорат манфаатларини ҳамда партияларнинг дастурий мақсадларини янада фаолроқ илгари суриш имконини беради. Ўз навбатида, Қонунчилик палатасида раҳбарлик лавозимини эгаллаш имконияти ҳар бир партия раҳбариятининг ўз электорати олдидаги масъулиятини янада оширишга хизмат қилиши муқаррар.

**Раҳимжон ҲАКИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими.**

# ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ — ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

етаётган, узунлиги 223 километрлик Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон янги темир йўл линияси сингари лойиҳалар шулар жумласидандир.

Айтиш керакки, кейинги 15 йил ичида МДҲ га аъзо давлатларнинг бирортасида ҳам бунчалик кенг масофадаги янги темир йўл барпо этилмаган. Юртимизда амалга оширилаётган бундай кенг кўламли ишлар халқимизнинг бунёдкорлик борасидаги улкан салоҳиятидан яна бир далолатдир.

Соҳага чет эл сармояларини жалб қилиш ишлари ҳам изчил давом эттирилмоқда. Осиё тараққиёт банкининг кредити ҳисобидан



Самарқанд-Бухоро йўналишида модернизациялаш дастури тўла ниҳоясига етказилди. Ушбу йўналишлар оралиғидаги йўллар таъмирланди.

Йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида Тошкент-Самарқанд, Тошкент-Бухоро йўналишларида «Регистон» ва «Шарқ» тезюрар поездларининг мунтазам қатнови йўлга қўйилди. Темир йўл вокзалларида йўловчиларга халқаро стандартларга мос шароитлар яратилмоқда.

Тошкент марказий йўловчилар темир йўл вокзали ва бошқа шаҳарларимиздаги вокзаллар қайта реконструкция қилинди ва таъмирдан чиқарилди, янгилари барпо этилди. Халқаро ва маҳаллий йўналишларда қатновчи поездларда кўрсатилаётган хизматлар сифати замонавий талабларга мослаштирилди.

Тепловозларнинг хизмат кўрсатиш муддатини узайтириш, платформа ва бошқа хил техникани таъмирлаш ишлари ўзлаштирилди. Андижон механика заводида нефть маҳсулотларини ташиш учун элликдан зиёд цистерна ишлаб чиқарилди. Европа тикланиш ва тараққиёт банки ажратган 40 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит ҳисобига 12 та замонавий электровоз сотиб олинди. Эксплуатация қилиш ва техник хизмат учун кетадиган харажатлар камайди.

Термизлик йўлсозлар учун поликлиника ва шифохона, Самарқанд станциясида эса болалар даволаш бўлимлари ишга туширилди.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар бераётган самаралардандир.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Н.Хонов, Тошкент шаҳар ҳокими А. Тўхтаев иштирок этди.

**Холмурод САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# Спортнинг сирли олами

*Яқиндагина Мадриднинг "Реал" клуби бош мураббийлигидан озод этилган Фабио Капелло энди спорт шарҳловчиси сифатида фаолият юритади.*

## Капелло ўзига иш топди



Бу ҳақда Италия ОАВ хабар тарқатган. Етакчи телевиденияларданбирининг вакилини сўзларига кўра, Капелло маҳоратли шарҳловчи. Унинг бундай дейишига асос бор. Чунки таниқли мураббий 2006 йил Туринда ўтган Қишки олимпиада ўйинларининг хоккей баҳсларини телевизор орқали шарҳлаб борганди.

Аммо мухлисларни нима учун Капелло ЦСКА, "Локомотив" ва АҚШ клубларидан тушган таклифларни рад этгани ажаблантирмоқда.

**Ўзида халқимизга хос бағрикенглик, инсонпарварлик ғояларини мужассам қилган миллий қадриятимиз — кураш жаҳон спорт майдонида мавқеини мустаҳкамлаб бормоқда.**

## Францияда курашимиз тантанаси

Қувончлиси, кураш бўйича йирик турнирларга мезбонлик қилишга талабгор давлатлар кўпаймоқда. Куни кеча Францияда мазкур мамлакат кураш федерацияси ташаббуси билан ёшлар, ўсмирлар, катталар ва фахрийлар ўртасида "Ўзбекистон Президенти Гран-При халқаро турнири" зўр муваффақият билан уюштирилди.



Франциянинг сўлим курорт шаҳри — Хендайда бўлиб ўтган мусобақада Испания, Украина, Россия, Португалия, Ҳиндистон, Ўзбекистон каби жами ўндан зиёд мамлакатдан келган юз нафардан ортиқ полвонлар бош соврин учун гиламга чиқдилар.

Икки кун давом этган беллашувларда ўзбекистонлик полвонлар кураш Ватани вакиллари эканлигини намойиш этдилар.

— Халқаро турнирга йигитларимиз пухта ҳозирлик кўришганди, натижа ҳам кутилганидек бўлди, — дейди кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийси Баҳодир Бердиқулов. — Мусобақада оғир вазнли полвонимиз Нурилла Абдуллаев мутлақ ғолиб чиқиб, бош совринни қўлга киритди. Зафар Йўлдошев, Аброр Исмоилов, Ҳикмат Куртов ҳамда Ҳасан ва Ҳусан Юсуповлар ҳам ўз вазн тоифаларида олтин медалларига сазовор бўлишди. Умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон терма жамоаси биринчи ўринни, францияликлар 2-ўринни, Украина ва Испания полвонлари 3-ўринни эгаллади.

## ▼ Ўзбекистон ифтихорлари



*...1972 йил. Тошкент. "Пахтакор" — "Днепр" (Украина) жамоалари ўртасида учрашув бўлиб ўтмоқда. Стадионга тўпланган эллик мингдан зиёд ишқибоз ўз севимли жамоаси футболчиларидан гол кутишяпти. Аммо дастлабки бўлимнинг ярми ўтаяпти ҳамки, натижа йўқ. Бўлим охирларига келиб, майдон эгалари бурчакдан тўп тепиш ҳуқуқини қўлга киритишди. Тўп ёнига қотмадан келган ёш йигит етиб борди. У мўлжални шу қадар аниқ олгандики, йўллаган зарбаси айланма ҳаракат ҳосил қилиб, дарвоза тўрига бориб тушди. Машҳур дарвозабон Леонид Колтун эса тўпни тўхтатишга ожизлик қилди. Айни шу дамда стадион ишқибозлар ҳайқириғидан ларзага келди. "Днепр" жамоаси мураббийи, Украина футболи дарғаси Валерий Лобановский ўрнидан туриб гол муаллифини олқишлай кетди...*

*Бу йигит Ўзбекистоннинг XX асрдаги энг яхши футболчиларидан бири, дея тан олинган Databaseи Databaseдар Абдураимов эди. Databaseдар ака ўз даврида собиқ иттифоқ чемпионатининг моҳир тўпурари бўлган. Истиқлол йилларида футболга фидойилиги, ўзбек футболи ривожига қўшган ҳиссаси учун "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий" ҳамда "Ўзбекистон ифтихори" унвонлари, шунингдек, "Шуҳрат" медалига муносиб топилди. Б. Абдураимов бугунги кунда ҳам ёшларнинг маслаҳатгўйи, уларга тўғри йўл кўрсатувчи устоз сифатида футболимиз ривожига ҳисса қўшиб келмоқда. У Ўзбекистон футбол федерациясида барча терма жамоаларнинг техник директори сифатида фаолият кўрсатаяпти.*

## «Эҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди...»

**— Databaseдар ака, ўғлингиз Азамат сизнинг изингиздан бориб футболда катта ютуқларга эришди. Фарзандларингиз — Баҳодир, Ботир, Жасурлар ҳам футболчи деб эшитардик. Лекин уларни жамоалар сафида кўрмаяпмиз...**

— Ютуқлар қувончию, мағлубият аламига чидаган инсондангина кучли спортчи чиқади. Футболчининг энг ёмон душмани жароҳат. Барибир ҳар бир ота ўз фарзандига ачинади. Шунга қарамай, ўғилларимини ўз изимдан боришини истадим. Тўғри, Азамат футболда, озмикўпми, ўз ўрнига эга бўла олди. Осиё ўйинлари ғолиби бўлди. Ҳозир у Москвада мураббийлик маҳоратини ошираяпти. Баҳодир, Ботир ва Жасур ҳам миллий чемпионатимиздаги жамоаларда тўп суришди. Лекин, уларнинг фаолиятидан кўнглим тўлмади. Яхши ўйнаёлмадингми, футболни йиғиштириб қўй. Ўғилларимга шундай маслаҳат бердим. Бугун улар бошқа соҳаларда фаолият кўрсатишаяпти. Неварам Нигина Абдураимовадан умидим катта. У катта теннисда сезиларли муваффақиятларга эришаяпти.

**— Сўнгги йилларда футболимиз савияси сезиларли даражада юксалаётганлигини кенг жамоатчилик эътироф этмоқда. "Пахтакор" МДҲ кубоги ғолиби бўлди, терма жамоаларимизнинг чиройли ўйинлар намойиш этаётганлиги қувонарли ҳол, албатта. Сизнигча, бу юксалишларни янада изчил давом эттириш учун нималар қилмоғимиз керак?**

— Тўғри айтасиз, кейинги йилда ўзбек футболи жиддий ўсиш ва ўзгаришларга юз тутди. Юртимизда соҳа ривожига алоҳида эътибор берилаяпти. Бу ҳақда Президентимизнинг махсус қарори эълон қилингани барчамизга маълум. Унга кўра профессионал футбол клубларига махсус футбол мактаб-интернатлари бириктириб қўйилди. Яъни, ёш спортчиларга эътибор кучайди. Кузатаётган бўлсангиз, жорий йилги миллий чемпионат ўйинлари ҳам қизиқарли ўтмоқда. Авваллари чемпионлик учун уч-тўртта жамоа курашган бўлса, бу йил улар сони олти-еттитага етди. Илгари ишқибозлар барибир "Пахтакор" чемпион бўлади, деган фикрда ўйинларга қизиқмай қўйишган бўлса, эндиликда жамоалараро ўзаро рақобат муҳити шаклланаётгани боис мухлислар яна стадионга қайта бошлади. Насиб этса, амалга оширилган ишлар яқин кунларда ўз мевасини бера бошлайди.

**— Миллий терма жамоамизнинг Осиё кубогидаги иштироки сизни қониқтирдими?**

—Умуман олганда, йигитларимиз чемпион бўлишга ҳақли эдилар. Негаки, Осиё кубогини қўлга киритган Ироқ футболчиларини биз Хитойда бўлган ўртоқлик учрашувида 2:0 ҳисобида мағлуб этгандик. Саудия Арабистони билан ўтказилган чорак финал учрашувида футболчиларимиз ҳар томонлама устунликка эга бўлишди. Агар сингапурлик ҳакам Максим Шацкихнинг голини чипакка чиқармаганида, ҳаммаси бошқача бўларди. Ахир, ўйинни барча ўз кўзи билан кўрди. Очиғини айтганда, йигитларимиз шаштидан саудиялик футболчилар яхшигина довдиращди. Хуллас, бизга бироз омад етишмади. Лекин энг муҳими, Осиё кубоги ўйинлари ўзбек футболида ўсиш даври давом этаётганлигини кўрсатди.

Энди камчиликларга тўхталсак. Терма жамоамизнинг ҳимоя чизиғида нуқсонлар кўзга ташланди. Ҳужумчиларимиз устида ҳам кўп ишлашимиз кераклиги сезилди. Биласизки, ҳужумчида иккита, учта ҳимоячини алдаб ўтиш қобилияти бўлиши лозим. Бизда ана шундай иқтидорга эга ҳужумчилар бор, албатта. Лекин, негадир улар аксарият ҳолларда ўзларини аягандек, олдинга боришдан қўрқишади.

**— Сизнингча, ўртамиёна футболчидан яхши мураббий чиқиши мумкинми?**

— Футбол тарихида бундай ҳолатлар кўп бўлган. Маҳоратли футболчи асосан футболдаги фаолиятини кучайтириб боришга ҳаракат қилади. Ўртамиёна ўйинчилар эса бу борада омади юришмадими, мураббийликка кўпроқ эътибор беришади. Ҳаммаси инсоннинг ўзига боғлиқ. Агар билсангиз, футбол ҳам шахмат каби ақл билан иш юритишни талаб қиладиган спорт тури. Шу боис, омадсиз ўйинчи бўлса-да, ундан ақл билан иш юритадиган яхши мураббий чиқишига ишонса бўлади.

Ҳа, спорт олами миллионларни ўзига қаратиб, таъбир жоиз бўлса, сеҳрлаб келади. Ман буни ўз тақдиримда кўп ҳис қилганман. Гоҳида ўйлаб қоламан: қани энди, ёшроқ бўлсаму, майдонда миллатимиз шарафи учун курашга тушсам ўз вақтида бизга шундай имконият бўлмаганди. Энди Ватанимиз мустақил. Унинг шаъни учун, номини жаҳонга таратиш учун бутун иқтидоримизни сарфлашимиз керак. Ўшанда ҳаётимизда ҳам, фаолиятимизда ҳам мазмун бўлади.

**"Халқ сўзи" мухбири Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ суҳбатлашди.**

## Оуэн «Лужники»дан чўчияпти

***Англия терма жамоаси ҳужумчиси Майкл Оуэн «Лужники» (Москва) каби сунъий қопламали ўйингоҳларда тўп суришдан чўчимоқда.***

— Ишонаманки, «Лужники»нинг сунъий майсаси менга панд бермайди. Акс ҳолда эски лат еган жойим яна шикастланиши мумкин, — дея айтиб ўтган *«Ньюкасл» форварди* «Sky Sports»га берган интервьюсида.

Агар терма жамоа бош мураббийи Стив Макларен Оуэнни Россияга қарши ўйинда таркибга жалб этса, у «Лужники»да тўп суришга мажбур. Чунки «Евро-2008» саралаш босқичидан ўрин олган Россия — Англия учрашуви 17 октябрь куни айнан ана шу стадионда бўлиб ўтади.

## Райкконен чемпион бўлмоқчи

**«Феррари» жамоаси пойгачиси Кими Райкконен жорий мавсумда чемпионликни қўлга киритишни ваъда бермоқда. Айни пайтда финляндиялик спортчи чемпионат карвонбошиси Льюис Хэмилтондан 18 очко ортда бормоқда.**

— Гарчи етакчи билан ўртамиздаги очколар фарқи сезиларли даражада бўлса ҳам, олдинда етти Гран-при борлигини унутмаслик лозим. Бир сўз билан айтганда, ҳали ҳеч нарса йўқотилгани йўқ, — дея маълум қилган спортчи «Autosport»га берган интервьюсида.

Кими Райкконен сўнгги уч Гран-прининг иккитасида марага биринчи бўлиб етиб кела олди.



## «Йиртқичлар» маконида қолишди

***Миллий хоккей лигаси иштирокчиси «Нэшвилл» («Йиртқичлар») клуби 193 миллион долларга маҳаллий бизнесменлар томонидан сотиб олинди. Бундан ҳаммадан кўра жамоанинг собиқ раҳбари Крэйг Леопольднинг боши осмонга етди.***



— Бу жуда катта аҳамиятга эга иш бўлди. «Нэшвилл» ўз она шаҳрида қолади. Мен унинг янги соҳибларидан умрбод миннатдорман, — деди Леопольд.

Унинг бу қадар хурсанд бўлишига сабаб бор, албатта. Сал олдинроқ «Нэшвилл»ни сотиш учун канадалик миллиардер Жим Балсилл Леопольдга 220 миллион доллар таклиф этганди. Лекин у клубни сотиб олгач, Канадага кўчириб кетишини маълум қилганди.

## Хаттоннинг иштаҳаси карнай

**Иқтидорли чарм қўлқоп устаси Рикки Хаттоннинг отаси ва менежери Рей Хаттон ўғли ва Флойд Мейвезер-кичкина ўртасида жанг бўлиб ўтишини маълум қилди.**

— Шартнома биз томонимиздан имзолаб бўлинди. Ҳуқуқшуносларимизнинг таъкидлашларича, Мейвезер тарафи битимга имзо чеккан. Лекин ҳозирча жанг ташкил этиладиган жой ва сана номаълум. Тахминимизча, боксчилар шу йилнинг 8 декбрь куни Лас-Вегасда бир-бирини синовдан ўтказади, — дея айтиб ўтган катта Хаттон.

Бундан хабар топган Флойд Мейвезер ҳам тезда ўз муносабатини ОАВда маълум қилди.

— Сўнгги ойларда Рикки Хаттон матбуот орқали мени кетма-кет рингга чорлашдан чарчамади. Шундай экан, унга кимлигимни кўрсатиб қўйиш вақти келди. Мен ҳозир ўз вазн тоифамда дунёнинг энг яхши боксчисиман. Кўрамиз, Рикки неча раундга дош бера оларкан, — дея кескин фикр билдирган кичкина Мейвезер.

## Югуриш йўлагидаги фожиа

«Интерфакс» ахборот агентлигининг хабар беришича, Нижний Новгород (Россия) шаҳрида 20 ёшли енгил атлетикачи мусобақа вақтида вафот этган. Гувоҳларнинг маълумот беришларича, спортчи юз метрлик масофани югуриб ўтгач бирдан ерга ётиб қолган ва бир неча дақиқадан сўнг юраги уришдан тўхтаган. Исми ошкор этилмаган бу спортчи ҳаётлигида юрак оғриғидан азият чеккан экан.

**Фазлиддин АБИЛОВ.**



Зарба ва яна зарба...

## Рақиб саросимага тушди

*Мағлубиятга учраган боксчини мураббий овутаяпти:*

*—Учинчи раундда, бечора рақибингни роса саросимага туширдинг-да.*

*—Нега?*

*—У сени ўлдириб қўйдимми, деб қўрқиб кетди.*

* * *

***Ажойиб ҳаво, идеал майдон, ҳеч қанақа ёғингарчилик ва шамол йўқ. Хуллас, ҳар доимгидек, ҳамма нарса бизнинг терма жамоамизга қарши...***

* * *

*Шарҳловчи: Ассалому алайкум, қадрли футбол ишқибозлари! Бугун «Олд Траффорд» стадионида икки кучли жамоанинг шиддатли ўйинига гувоҳ бўламиз. Мана, жамоа сардорлари стадионга тушиб келдилар. Тўп узатилди! Тўп ўнг қанотда, энди чап қанотда, жуда шиддатли ўйин, чапда, ўнгда, чапда, ўнгда....ие, кечирасизлар, бу теннис мусобақаси экан...*

* * *

***Бозорком кичкина ўғлини биринчи бор футбол ўйинига олиб келди.***

***— Дада, нега футболчиларнинг кийимига нархлари ёзиб қўйилган?***





А. ҲАКИМОВ чизган сурат.

## ▼ Жаҳон спорти юлдузлари

## Рингда зўрлар ғолиб чиқади

***Ўн икки ёшли Кассиус Клейга ота-онаси велосипед олиб беришди. У қувончдан энтикиб кўчага отилди. Лекин болакайнинг шодлиги узоққа чўзилмади. Бир безори ундан велосипедини тортиб олди. Бунинг устига, юзига уриб жароҳат ҳам етказди. Аламига чидолмаган болакай полицияга мурожаат қилди.***

— Мен, албатта, безорини излаб топаман, — деди полициячи. — Аммо сенга маслаҳатим шуки, муштлашишни ўрган.

Полициячи Жо Мартин унга фақат маслаҳат бериб қолмай, муштлашиш сирларини ҳам ўргатди.

Орадан тўрт йил ўтди. Клей полициячидан яхшигина сабоқ олди. Лекин унга профессионал мураббий керак эди. У бир куни ўша пайтдаги машҳур бокс мураббийси Анжело Дандига қўнғироқ қилди:

— Бу Анжело Дандими? Менинг исмим Кассиус Клей. Сиз мени шогирдликка олишингиз керак, — деди даб-дурустдан. — Икки йилдан сўнг, албатта, Олимпиада чемпиони бўламан.

— Ростданми? —деди ҳайратини яширолмаган Данди.

— Кейин энг кучли профессионал боксчига айланаман.

— Ёшинг нечида?

— Ўн олтида.

Данди индамай гўшакни илиб қўймоқчи бўлди, лекин ўзи ҳам сезмаган ҳолда «Майли, келақол, гаплашамиз», деди.

Кассиус Клей ҳузурига кириб келганда Данди ички сезгиси алдамаганини англаб етди. Йигитчанинг бўй-басти, ўзини тутиши, айниқса, бокс техникаси мураббийни лол қолдирди.

Муҳаммад Али номи билан дунёга танилган машҳур боксчи спортдаги дастлабки қадамини шундай бошлаган эди.

Кассиус Клей мураббийни алдамаганди. Ростдан ҳам, орадан икки йил ўтиб, Рим Олимпиадасида у чемпион бўлди. Боксчини Америкада қаҳрамонлардек кутиб олишди. Онаси Одетта қувончдан йиғлаб юборди. Чемпион туғилиб ўсган Луисвил шаҳри мэри уни кўкларга кўтариб мақтади. Ҳатто боксчи билан эсдалик учун суратга ҳам тушди. Орадан бир неча кун ўтгач эса Клейни шаҳардаги ресторанлардан бирига киритишмади. Хизматчи юзига тик боқиб: «Биз қора танлиларга хизмат кўрсатмаймиз», деди. Бундан боксчи қаттиқ изтироб чекди. Уйига келди-да, Олимпиадада ютган олтин медалини қўлига олди. Кейин кўчага чиқиб уни дарёга улоқтирди. Боксчининг дастлабки медали ҳозир ҳам Огайо дарёси тубида ётибди.

Олимпиададан сўнг боксчи профессионал боксга ўтди. Албатта, у профессионал ва ҳаваскор бокс ўртасида катта фарқ борлигини яхши биларди. Шунинг учун дастлабки жангга узоқ тайёргарлик кўрди ва 1962 йили профессионал боксдаги дастлабки ғалабасига эришди. У ярим оғир вазнда икки карра жаҳон чемпиони Арча Мурни тўрт раундда мағлубиятга учратди. Орадан икки йил ўтиб машҳур боксчи Сонни Листонни енгиб мутлақ жаҳон чемпиони бўлди.

1964 йилда у кутилмаганда исми шарифини ўзгартиришга қарор қилди. «Кассиус исмини менинг боболаримга колонизаторлар беришган. Мен исми шарифимни ўзгартираман. Бундан буён мен Муҳаммад Алиман», дейди у. Ва шундан сўнг у фақат Муҳаммад Али бўлиб рингга чиқади, мусулмон динини қабул қилади.

1967 йилда Муҳаммад Али яна бир даъвогар Зоро Фоллини мағлуб этди. Уни бутун Америка олқишлади. Лекин орадан бир ой ўтгач бу шоншуҳрат бирдан сўнди...

Ўша куни Хьюстондаги ҳарбий базада хизматга чақирилган аскарлар қасамёд қабул қилаётган эди. Офицер Муҳаммад Али номини айтганда, у ўрнидан жилмай тураверди. Шунда офицер яна бақирди.

— Эй йигит, нима, кармисан?

Боксчи яна жойидан жилмади. У ҳарбий хизматдан, Вьетнамдаги урушга боришдан бош тортаётган эди. Тезда Муҳаммад Али билан ҳуқуқтартибот органлари қизиқа бошлади. Охир оқибатда суд унга нисбатан 5 йил озодликдан маҳрум этиш ва 10 минг доллар жарима тўлаш жазосини белгилади. Лекин катта гаров пули эвазига боксчи очиқда қолди. Унга нисбатан қўлланилган жазо чоралари шу билан тугамади. Жаҳон бокс уюшмаси уни чемпионлик унвонидан маҳрум қилди. Уюшманинг қарорини Нью-Йорк, Европа ва Англия бокс уюшмалари ҳам қўллаб-қувватлади.

Ўзини демократиянинг бешиги деб ҳисобловчи Америка учун Муҳаммад Али билан бўлган воқеа шармандали ҳолат эди. Шунинг учун 1969 йили юртнинг виждони саналган зиёлилар — 120 нафар ёзувчи ва санъаткорлар Оқ уйга хат йўллаб, бокс бўйича собиқ жаҳон чемпионини ҳимоя қилиб чиқишди. Улар орасида Игорь Ставринский, Жон Апдайк, Элизабет Тейлор, Айзек Азимов, Гарри Белафонт, Ирвин Шоу каби кўплаб буюк сиймолар бор эди.

1971 йилнинг 28 июнь куни АҚШ Олий суди Муҳаммад Алига нисбатан қўзғатилган жиноий ишни қайта кўриб чиқди ва боксчини оқлаш тўғрисида қарор чиқарди. Адолат қарор топди. Буюк чарм қўлқоп устасининг олдидаги эндиги вазифа чемпионликни қайтариб олиш эди. Шу мақсадда у аввал чемпионликка даъвогар Жо Фрезер билан рингга чиқди. Ўн минг одам сиғадиган «Мэдисон Сквер-гарден»да фақат Муҳаммад Али ижро эта оладиган бокс «рақси» кўрсатилди. Бу бокс жанги эмас, Муҳаммад Али ижросидаги театр томошаси эди. Жанг 12 раунд давом этди. Али очколар бўйича ғолиб чиқди. У қувончини яшира олмай залнинг бошига кўтарганча бақирарди: «Фрезерни дўпposладим, Форменни ҳам дўпposлайман, кейин эса яна чемпион бўламан».

Али адашмаётганди. Унинг навбатдаги рақиби машҳур боксчи, амалдаги жаҳон чемпиони Жорж Формен эди. Формен ўтказган 40 жангнинг 37 тасини нокаут билан тугатган. Мураббийси Дик Стендлер шогирдига шундай таъриф беради: «Мен ҳақиқий монстрни тарбияладим. Ер юзидаги биронта одам унга тенг кела олмайди». Аммо Муҳаммад Али Стендлернинг башоратини чиппакка чиқарди. 1974 йилнинг 30 октябрь куни Конго Демократик Республикаси пойтахти Киншаседа бўлиб ўтган матчга 50 минг томошабин йиғилди. Дунёнинг кўплаб телеканаллари жангдан тўғридан-тўғри репортаж олиб берди. Ўйин давомида Формен бор маҳоратини ишга солиб, Алига кучли зарбалар беришга интилди. Саккизинчи раундда Али ринг бурчагига сиқилиб қолди. Формен бор кучи билан унга ташланди. Аммо силкиган муштлари ҳавода муаллақ қолди. Ва шу онда чап иягига теккан кучли зарбадан ерга йиқилди. Ҳакам ўнгача санади, лекин тенги йўқ деб ҳисобланган боксчи ўрнидан тура олмади. Муҳаммад Али чемпионлик унвонини қайтариб олди.

Муҳаммад Али 1977 йилда чемпионлик учун даъвогар ёш боксчи Леон Спинкс билан учрашди. Жанг тенг курашлар остида ўтган бўлса-да, ҳакамлар 2:1 ҳисобида Леон ғалаба қозонди деган қарорга келишди. Бу машҳур боксчи учун навбатдаги зарба эди. Орадан икки йил ўтгач Янги Орлеандаги стадионда 70 минг томошабин гувоҳлигида 36 ёшли Муҳаммад Али ва ёш чемпион Леон Спинкс яна рингга чиқишди. Али бу жангда ғолиб келди ва учинчи марта жаҳон чемпиони деган номни қайтариб олди. 1980 йилда Али тўртинчи марта чемпион бўлиш учун рингга кўтарилди. Аммо Лари Холмсдан даҳшатли мағлубиятга учради. Унинг аввалги кучи ҳам, ғайрати ҳам, шижоати ҳам қолмаганди. Хайр, бокс. Бу сўзларни айтиш Муҳаммад Али учун ниҳоятда оғир эди. Лекин тақдирдан қочиб бўлмайди. Рингда ҳамиша зўрлар ғолиб чиқади. Али фаолияти давомида 61 марта рингга кўтарилди ва беш марта мағлубият аламини тотиб кўрди.

Муҳаммад Алининг турмуши унчалик яхши кечмади. У уч марта уйланган. Саккиз нафар фарзанди бор. Хотинлари фақат бойлиги учун у билан бирга яшашган. Боксчи уларга катта-катта ҳовлиларни, ранчоларни, пулларини ташлаб кетган. Ҳозир у тўртинчи хотини билан Мичиган штатидаги 30 гектарлик ҳовлида яшайди. Асад исмли олти ёшли асранди ўғли бор. Шуниси қизиқки, бу болакай қуйиб қўйгандек Алига ўхшайди.

Али тез-тез сафарларга чиқиб туради. Кўргазмали чиқишларда иштирок этади, бизнес билан шуғулланади. Ҳар бир чиқиши учун 150-200 минг доллар маблағ олади. Боксда олган зарбалари боис Паркинсон касалига йўлиққан. Уни тузатиб бўлмаслигини Али яхши билади. Лекин доимо бир сўзни такрорлайди: «Агар ҳаётимни бошқатдан бошлаганимда, албатта яна боксчи бўлардим».

**Беккул ЭГАМҚУЛОВ.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 756. 25012 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тогаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Маҳраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 22.20 123456